

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА КОММУНИКАТИВ ЁНДАШУВ: ТИЛ, ТАФАККУР, МАДАНИЯТ

**(Тилшунос олим, филология фанлари номзоди
АНВАР АСКАРОВИЧ ҲАЙДАРОВ
таваллудининг 60 йиллигига бағишланган)**

**мавзусидаги Республика
илмий-амалий анжуман материаллари**

ТЎПЛАМИ

10-11 ноябрь, 2017



G'ulomova Sh. Qiyosiy pragmatlingvistikaning ayrim masalalari xususida	74
Ruzmisa H.X. Heterogeneous or homogeneous groups definitions, strategies, methods and implementations	76
Хожиева Г.С. Француз тилидаги рангларвоситасида ясалган отли ва феъли	79
Ибораларнинг маъно хусусиятлари	81
Бабаева Ш., Бабаджанова Д. Коммуникативные обращения как средства общения в языкознании	84
Жумаев У.С. Чет тилларни ўқитишда шахс психологик имкониятларининг ўрни	

II ШУЪБА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ТИЛ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Гадирева М.И. Ролли ўйинлар ва улардан инглиз тилини ўргатишда фойдаланиш	87
Умарова А. Using technologies for collaborative learning	89
Abdurakhmonova M.A. Ceci propose une echelle de maitrise des niveaux de competences	91
Илдошева Д. Н., Тошнўлатова Р.А. Таълим мазмуни ўқувчи эҳтиёжини қондиришга хизмат қила олсин	93
Журабоева Р.К. Значение русского языка в формировании интеллектуальных способностей учащихся	95
Khamraeva G.I., Makhmudova G.R. The role of songs in teaching foreign languages to young learners	96
Махмудова М. Ўрта мактабларда немис тилида гапириш кўникмасини ривожлантириш усуллари	98
Базарова Д.Д. Современные инновационные технологии в образовании	100
Amonov S. Chet tillarini axborot texnologiyalari vositasida samarali o'rganish va ta'lim jarayoniga tadbiq etish	103
Очилова Н.М. Чет тилида очик дарсларни ташкиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари	106
Elitazarov J., Rasulova I. Interferensiya va chet tillarni o'rganish	108
Расулова И. Интерференциянинг вужудга келишида миллатлараро алоқанинг аҳамияти	111
Журабоева Р.К. Важные задачи образования - использование в учебном процессе новых педагогических технологий	115
Ўрмонова Н. Чет тилини ўргатишнинг ёрдамчи воситалари	116
Hamrayeva Sh.I. The role of information and communication technology in teaching process	118
Жумаев А.А. Трудности обучения немецкому языку "решения, стратегии, технологии успеха"	120
Кедырова Н.А., Негиев М. Использование современных программных продуктов в процессе изучения английского языка, как элемент повышения эффективности усвоения предмета	123
Ufaurova X.X. Chet tili o'qitishda kommunikativ yondashuvning roli	125
Ahmedova S., Xatamova G. Kollej o'quvchilariga ingliz tilini o'rgatishda interfaol o'yinlardan foydalanishning ahamiyati	127
Uraurova X.X. Muallimning darsga tayyorgarligi	129

- Make sure that students are aware of the aim of each lesson and what they are expected to achieve by the end of the lesson.
- Teach students how to be resourceful so that they know where to find help if they get stuck. They should not be reliant on the teacher.
- Try to involve students in the learning process. Perhaps allow students to choose the order topics are studied in.
- Vary classroom management. Allow students to work individually, in pairs and in groups.
- At times provide a menu of work on the board offering tiered activities. Allow students to choose their level of work.
- Allow students to show their understanding in different ways i.e. a visual representation, an oral presentation or physical demonstration.
- Make use of flexible groups at suitable exit points in the course to allow for reinforcement and extension.

References

1. SCRIVENER, J. Who are the learners? In: *Learning teaching*. Oxford: Macmillan, 2005. cap. 4, p. 61-78.
2. UR, P. Learners differences. In: *A course in language teaching*. Cambridge: Cambridge University Press, 2005. p. 273.

Г.С.Хожиева, БухДУ ўқитувчиси ФРАНЦУЗ ТИЛИДАГИ РАНГЛАР ВОСИТАСИДА ЯСАЛГАН ОТЛИ ВА ФЕЪЛЛИ ИБОРАЛАРНИНГ МАЪНО ХУСУСИЯТЛАРИ ("Ок" ранг мисолида)

Тилшуносликда тилларни ўзаро қиёслаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда ўрганилаётган тилларнинг бадиий хусусиятлари, айниқса, фразеологик бирликлар асосидаги тадқиқи алоҳида ўрин тутади.

Бизга маълумки, фразеологик бирликларнинг ўрганилиш даражаси ривожланиши билан биргаликда унинг турли гуруҳ ва бўлимларга бўлиниши кузатилмоқда. Ушбу гуруҳ ва бўлимлар фразеологик бирликлар ифодаланиши ва тузилишининг турли хусусиятларига қараб ажратилади. Тилшуносликда фразеология қатлами лексикологиянинг кичик бир бўлими саналиб келинади. Кейинги йилларда унинг устида олиб борилган кўплаб илмий изланишлар ва улардаги турли янгилик жиҳатлари фразеология тилшуносликнинг катта бир қисми деб қаралишига олиб келди. Чунки унинг тилда миқдори жиҳатидан ҳам, маънодорлиги жиҳатидан ҳам жуда кенг эканлиги эътиборга моликдир.[1,44.]

Фразеологик бирликлар тилшуносликда фразеологизм, фразеологик ёки тургун ибора, фразеологик бирикма ва ибора каби бир нечта номлар билан аталади.[2,270.]

Тилда фразеологизмлар ясалишининг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, улардан ранглар воситасида ясалган иборалар энг кенг қамровли ва салмоқли

гуруҳни ташкил этади. Биз куйида тадқиқ этаётган француз тилидаги ранглар воситасида ясалган фразеологик бирлик (бундан кейин - ФБ) лар ҳам ана шу жихатдан аҳамиятли бўлиб, ҳам француз ва ҳам ўзбек тилларининг бадиий тил воситаларига нечоғлик бой эканлигини яна бир бор қиёсий ўрганишга имкон беради.

1. **“Blanc bec”** отли ибораси лексик таржимада “оқ тумшук” мазмунини англатади. Аммо фразеология нуқтаи назаридан “она сути оғзидан кетмаган одам; гўдак, хом, гўр одам”[3,68] маъноларига эга. Ушбу мисолда ҳам сўзлар мазмуни билан ибора ифода этган маъно ўртасида ҳеч қандай лексик алоқа йўқ. Шу сабабли, француз тилидаги ФБ таркибидаги сўзлардан бирини алмаштириб бўлмайди, акс ҳолда маъно бутунлай ўзгариб кетиши мумкин. Ўзбек тилидаги муқобилларда эса, айрим сўзларни ўзгартириш мумкин, масалан “гўр одам” бирикмасидаги *гўр* сўзи ўрнига *хом*, *гўдак* сўзларидан фойдаланиш мумкин.

1-Мисол: Il est un blanc bec. — Унинг она сути оғзидан кетмаган.

Ушбу гапда “она сути оғзидан кетмаган” ФБ ҳаёт тажрибаси кам, турмуш қийинчиликларини кўрмаган кишини тасвирлашда маънони кучайтиришга хизмат қилмоқда.

2. **“Respecter les cheveux blancs”** фразеологизмининг лексик ва идиоматик жихатдан маънолари ўзаро яқин ҳисобланади. ФБ лексик таржимада “оқ сочларини ҳурмат қилмоқ”, ибора сифатида “ёшини ҳурмат қилмоқ” маъносини англатади ва уни ўзбек тили меъёрларидан келиб чиқиб, “соқолининг оқини ҳурмат қилмоқ”[4,564.] тарзида ҳам бериш мумкин. Мисолда француз тилидаги ФБ метонимик йўл билан ясалган. Ҳар иккала ибора ҳам ўз миллий тил хусусиятидан келиб чиқиб, “кекса, ёши улуғ” маъносига ишора қилади.

2-Мисол: Simon a respecté les cheveux blancs de cette femme. — Симон бу аёлнинг ёшини ҳурмат қилди.

3. **“Mettre qqn en blanc”** ибораси француз тилидаги “en” предлоги билан ясалган ва предлогли иборага мисол бўлиб, эркин таржимада “бировни оққа қўймоқ” тарзида ўгирилади ва бирор маъно бутунлигига ишора этмайди. Аммо у фразеологик чатишманинг ёрқин намунасидир. Зеро таркибидаги сўзларнинг маънолари билан ибора ифода этган маъно ўртасида ҳеч қандай лексик алоқа мавжуд бўлмаган ҳолда, таржимада у “бировни шин-шийдам қилмоқ”, “кимнидир тунамоқ” сингари бир-биридан кучли услубий бўёқдорликка эга ФБларга, ҳамда, “бировнинг мулкига босқинчилик уюштирмоқ, ўғрилик қилмоқ” тарзидаги сўз бирикмаларига эквивалент ҳисобланади. Ибора таржимасида рангга оид сўз иштирок этмаган.

3-Мисол: Dans le bus il met une vieille en blanc. — Автобусда у бир қари аёлни тунади.

4. Худди шу хусусият **“avoir les quatre pieds blancs”** фразеологизмига ҳам тегишли бўлиб, лексик жихатдан “тўртта оқ оёққа эга бўлмоқ”, ибора

сифатида “қўли узун бўлмоқ”ни англатади. ФБни ясашда ҳар иккала тилда ҳам инсон тана аъзоларига мурожаат қилинади.

4-Мисол: Bernard Le Bel est un home qui a les quatre pieds blancs. — Бернард Лў Бел — “қўли узун” одам. Ўзбек тилидаги муқобилга “қўли узатган жойига етадиган” ибораси ҳам эквивалент бўла олади ва таржимани “Бернард Лў Белнинг қўли истаган жойига етади” кўринишида амалга ошириш таржиманинг янада эсда қоларлибўлишини таъминлайди.

Ранглар воситасида ясалган француз ФБларини тадқиқи юзасидан куйида бир неча хулосалар келтирилди:

1. ФБлар 4та хусусиятга эга, яъни фразеологизмлар маъносининг яхлитлиги; сўз бирикмаларининг турғунлиги; кўчма маънога эга бўлишлик; эмоционал-экспрессив таъсирчанлик.
2. Ибораларни бошқа тилларга сўзма-сўз таржима қилиш мумкин эмас.
3. ФБлар компонентларини бир-биридан ажратиб бўлмайди, зеро фразеологизмларни ташкил этадиган алоҳида компонентлар фаоллаша олмайдилар ва натижада фразеологик бутунлик йўқолади.
4. Ҳар бир тилга хос иборалар ўша халқ менталитети ва тил меъёрларидан келиб чиқиб, фақат шу халқнинг фикр тарзини ифода этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бадалов Ф.А. Фразеологик бирликларнинг семантик хусусиятларини ўрганишдаги баъзи —бир мулоҳазалар. Халқаро симпозиум материаллари. Термиз. 2004. 44-б.
2. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Фил.ф.док.дис.: 10.02.02. Ўзб.ФА Тилшунослик институти, Т., 1991. 270-б.
3. Французча-ўзбекча луғат. Тошкент, 2008. 68-б.
4. Ўзбек тилининг изохли луғати, 5-жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Т., 2008. 564-б.

Бабаева Ш.(БухГУ), Бабаджанова Д. (Галаасинский колледж)
**КОММУНИКАТИВНЫЕ ОБРАЩЕНИЯ КАК СРЕДСТВА ОБЩЕНИЯ
В ЯЗЫКОЗНАНИИ**

Аннотация: Данная статья посвящена изучению проблемы обращения как единицы речевого поведения, обладающей структурно-семантической, прагматической этнокультурной спецификой.

Ключевые слова: обращение, интонация, социальный статус, коммуникативный.

Русский язык располагает всевозможными средствами контакта между общающимися людьми, одним из таких средств, непосредственно выражающим связь говорящего с собеседником, является обращение.

Обращение — это грамматически независимый и интонационно обособленный компонент предложения или более сложного синтаксического целого, обозначающего лицо или предмет, которому адресована речь.